

А Ж Р И М

(жиноят ишени ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақида)

2025 йил август ойининг 15 куни жиноят ишлари бўйича Навбаҳор туман судининг очик сайёр суд мажлиси Навбаҳор туман Сарбозор МФЙ биносида бўлиб,

Раислик қилувчи: судья А.Сайдуллаев,

Судья ёрдамчиси Ш.Тўракуловнинг котиблигида, томонлардан Навбаҳор туман прокурори ёрдамчиси Ю.Абдуллаева, [REDACTED] иштирокида,

Судланувчи: [REDACTED]

[REDACTED] - 1994 йил 11 октябрь куни Навбаҳор туманида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, депутатликка сайланмаган, давлат мукофотлари олмаган, миллати ўзбек, ҳарбий хизматга мажбур эмас, маълумоти ўрта-махсус, [REDACTED] ишчи, муқаддам судланмаган, Навбаҳор тумани Сарбозор МФЙда яшовчи, иш бўйича 23.06.2025 йилда «муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат» эҳтиёт чораси қўлланилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126¹-моддасининг 3-қисми билан судланувчи [REDACTED] нисбатан бўлган 1-2106-2501/173-сонли жиноят ишени кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки суриштирув давомида тўпланган ҳужжатларга кўра, [REDACTED] 2025 йилнинг 05 май куни соат тахминан 17:00 ларда ўзи билан умумий рўзғор асосида, Навбаҳор тумани “Сарбозор” МФЙ Даврқўрғон кўчаси рақамсиз уйда яшовчи турмуш ўртоғи Рўзиева Ҳулқар Улуғбек қизи билан, яшаш хонадонининг меҳмонхонасида, ўртасида келиб чиққан ўзаро оилавий маиший масалада жанжаллашиб, келиб чиққан жанжал оқибатида, Ҳ.У.Рўзиевани шаъни ва кадр-қимматини қасддан камситиб ҳамда уни қўлининг мушти билан юз соҳасига бир маротаба уриб, РСТЕИАМ НФ Навбаҳор туман СТЕБнинг №192-сонли судга оид тиббий экспертиза хулосасига кўра “бурун суяқларининг силжимасдан қийшиқ синиши, чап оёқ болдир ўрта учлиги ташқи юзасидаги, иккала кўз пастки ковоқларидаги пасти жағ ўнг томон соҳасидаги қонталашлар каби соғлиғни қисқа муддатга бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати”ни етказиб,



оилавий (маиший) зўравонликни қасддан содир этган. Шундай қилиб, Нормуродов Шерали Сайрам ўғли ўзининг хатти-ҳаракатлари билан оилавий зўравонлик яъни хотинига соғлиқни қиска вақт яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилитини унча узок бўлмаган муддатга йўқолишига сабаб бўлган қасддан баданга енгил шикаст етказган.

Суд мажлиси давомида судланувчи [REDACTED] [REDACTED] ариза билан мурожаат қилиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқроор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатини англаганлиги, жабрланувчи [REDACTED] етказилган моддий зарарларни тўлиқ қоплаганлигини, ҳозирда жабрланувчи билан бирор-бир тазйиқсиз ярашганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, судланувчи [REDACTED] билан ҳозирда ярашганлигини, судланувчи унга етказилган моддий зарарларни тўлиқ қоплагани, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирор-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 66¹-моддасига мувофиқ, ЖК 126¹-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, судланувчи [REDACTED] ярашув тўғрисидаги аризасини жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб, Навбахор туман прокурори ёрдамчиси Ю.Абдуллаеванинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, судланувчи [REDACTED] айбига ихтиёрий иқроорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи, жабрланувчига бирор-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув судланувчи ва жабрланувчининг хоҳиши билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 126¹-моддасининг 3-қисмида назарда тутилган жиноят ЖК 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, [REDACTED] нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Суд, ажрим қонуний кучга киргандан сўнг [REDACTED] нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида” ги тилхат эҳтиёт чораси бекор қили



Шу билан бирга, суд жабрланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Суд, ажрим қонуний кучга киргандан сўнг икки дона диск жиноят иши билан бирга сақлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 476, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 126¹-моддаси 3-қисми билан судланувчи [REDACTED]

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинсин ва унга нисбатан бўлган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига асосан тугатилсин.

Жабрланувчи Ҳ.Рўзиевага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотганлиги тушунтирилсин.

Ажрим қонуний кучга киргандан сўнг [REDACTED] нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида” ги тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Иш бўйича икки дона ДВД диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ажрим норози томон 10 (ўн) сутка муддат ичида апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шу суд орқали Навоий вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига хусусий шикоят ёки хусусий протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи, судья

А.Сайдуллаев

